

# Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда таълим ва йўл инфратузилмаси учун муҳим битимни имзолади



12:08 / 18.02.2025 1181

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва Ўзбекистон ҳукумати мамлакатдаги таълим ҳамда йўл инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган икки муҳим битимни имзолади. Имзолаш маросими Ал-Улада бўлиб ўтган Ривожланаётган Бозор Иқтисодиётлари Конференцияси доирасида ИТБ гуруҳи раиси, доктор Муҳаммад Ал Жассар ҳазратлари ва Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Кўчқаров иштирокида бўлиб ўтди.

Биринчи битим таълим хизматларининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ИТБ томонидан 160,25 миллион АҚШ доллари ажратилади. Лойиҳа Глобал Таълим Ҳамкорлик дастури билан ҳамкорликда амалга оширилади ҳамда Ўзбекистоннинг миллий таълим стратегиясига мос келади. Унга кўра, 58 та инклюзив, талабаларга қулай мактаблар барпо этилиб, лаборатория жиҳозлари, мебел ва рақамли инфратузилма билан таъминланади. Шунингдек, 2 431 та ўқув хонаси қурилади, компетенцияга асосланган ўқув режа ва дарсликлар такомиллаштирилади, ўқитувчилар тайёргарлиги тизими ислоҳ қилинади, талабаларнинг баҳолаш механизми ва мактабларни баҳолаш тизими

яхшиланади, ҳамда барча ўқувчилар учун тенг таълим имкониятларини кафолатлайдиган инклюзив таълим моделлари жорий этилади.

2026 йилга келиб, Ўзбекистондаги барча ўғил ва қиз болалар сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлади. Лойиҳанинг асосий мақсади (PDO) – таълим муҳитини яхшилаш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва мамлакат бўйлаб ўқувчиларнинг таълим самарадорлигини оширишдир.

Иккинчи битим А373 йўлини қайта қуриш ва модернизация қилишга қаратилган бўлиб, ИТБ бу лойиҳа учун 138,80 миллион АҚШ доллари ажратади. Ушбу ташаббус 2030 йилга қадар саёҳат вақтларини 50% га қисқартириб, 30 дақиқага тушириш, йўл-транспорт ҳодисаларини 40% га камайтириш (йиллик авариялар сонини 24 тага тушириш), ҳамда мавжуд тўрт қаторли йўлни юқори ҳаракат талабларига мос равишда модернизация қилишни кўзда тутди. Бундан ташқари, лойиҳа ҳудудий ва маҳаллий алоқаларни яхшилаш, хавфсизликни ошириш, савдо йўлларини оптималлаштириш, ҳамда қўшни давлатлар билан савдо, туризм ва интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Хуллас, Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда таълим ва йўллар учун 300 миллион АҚШ долларига яқин маблағ ажратиши кутилмоқда.

**Манба: @uzdiplomat**